ЛЕНИН ДАҲОСИ АБАДИЙ

Пахтакор Ўзбекистонда байрам руҳияти ва кайфияти

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 7 ноябрь
ДУШАНБА
№ 256 (4.455).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

БИЗ ТУҒИЛГАН КУН

Биз қачон, қаерда, қандай мақсад билан туғилганмиз! Бешигимиз бошида ким турган, ҳар биримизга қандай ном қўйган, шууримизга нималарни сингдирган? Кўз очиб неларни кўрдик, ақлимизни таниб қанақа манзараларга дуч келдик, вояга етгач, не-не тўсиқларга учрадик, ғалабаларга қай тарзда эришдик! Бугунги кунда нималарга қодирмиз, қурбимиз, кучимиз, қудратимиз қанчалик! Эртаги кунимиз ҳақидаги тасаввурларимиз аниқ-равшанми!

Бугунги қутлуғ байрам тонгида — юртимиз алвон байроқларга, гулларга, табассумларга, ҳаяжонларга бурканган азиз айём онларида — хаёлан ўтмишга сафар қиламиз. Авлод-аждодларнинг табаррук номларини ёдга оламиз, болалигимизни, ўсмирлигимизни, навқиронлигимизни, кексайганимизни, хуллас, етмиш бир йиллик тарихимизни камоли эҳтиром ила эслаймиз.

Таваллуд топганимиз 1917 йилнинг октябри. Кўз очган жойимиз — Россиянинг кўрки ҳисобланмиш Петроград, инқилобий ҳаракатлар билан шуҳрат қозонган шаҳарлар, жумладан туркистонлик комиссарлар маскани ҳисобланмиш Тошкент, морозовчилар иш юритган Самарқанд... Мақсадимиз афгор оммага эрк, ҳуқуқ, озодлик бахш этиш, қуллик занжирларини парчалаб ташлаш эди. Жамики хосиятли ишларимиз бошида энг донишманд инсон, бутун ҳаётини халқлар саодати учун курашга бахш этган Владимир Ильич Ленин турарди. Унинг раҳбарлигида тузилган большевиклар партияси инқилобимиз бешигини тебратди, тўплар садолари, намойишлар ғулғуласи ичра аллалади, ёш давлатнинг жажжи фуқароларини вояга етказиб, улуғвор ишларга рағбатлантириб тарбиялади. Кўз очиб кўрганимиз очлик, қашшоқлик, юпунлик, вайроналик, истибдод, саводсизлик бўлди. Буларнинг ҳаммасини енгмоғимиз, бунинг учун куч-ғайрат тўпламоғимиз, матонат касб этмоғимиз, эзгулик машъаласини ёритганимизча зулматни чароғон қилмоғимиз зарур эди. Лекин буларнинг барига эришиш осон эмасди. Яхши ният йўлида ёвуз кучлар кўндаланг турдилар. Ички аксилинқилобчилар ҳуружи етмаганидек, адолатпарвар биринчи тузумга қарши хорижий муҳолифлар ҳам бош кўтаришди. Эндигина қадам ташлаётган давлат душманлар халқаси ичра қолди. Ана шунда Ильич даҳоси, партия даъвати, халқ жасорати асқотди. Бутун-бутун эл-элатлар, жамики миллатлар, қуёш нурига ташналар қўлга қурол олганларича инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилишга отландилар. Шундай вазиятда —ҳаётимиз, мамотимиз ҳал бўлаётган бир пайтда — доҳий Ленин социалистик революция манфаатларини сақлаб қолишнинг энг нозик, ғоят донишмандона сиёсатини ишлаб чиқди, мамлакатни ҳам ҳарбий қамалдан, ҳам иқтисодий ночорликдан қутқариш йўлларини белгилади. Шу жараёнда социализм қуришнинг табаррук ғояси шаклланди ва миллионларнинг муқаддас ниятига, амалий ишига, йўлчи юлдузга айланиб қолди.

Эндиликда тарих саҳифаларини варақлаш, синчиклаб таҳлил этиш биз учун ҳам қувончли, ҳам аянчлидир. Лениндан кейинги йиллар қандай кечганлигини бугунги кунда ҳаммамиз кўриб, билиб, ҳис этиб турибмиз. Сталин шахси билан боғлиқ даҳшатли нуқсонлар қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритганини келиб-келиб ҳозирги пайтда яққол кўраяпмиз. Қамашлар, қийнашлар, сургунлар, отишлар, хуллас, жамиятимиз табиатига номуносиб бедодликларга дош берган қаҳрамон халқ ҳаммасига чидади. Бунинг устига Улуғ Ватан уруши машаққатлари ҳам совет кишиларининг зиммасига тушди. Бу аёвсиз курашда биз мардона ғалаба қозондик, нафақат ўзимизнинг, балки бутун дунёнинг келажаги дея фашизм вабосини даф этдик.

Халқимизда «Ҳукмрон одил бўлмаса, мулк вайрон бўлғусидир» деган ҳикмат бор. Шахсга сиғиниш иллатлари очиб ташлангандан сўнг ярқираб чиққан демократия, ошкоралик қуёшининг нурлари узоқ порламади. Яна хатолар, чалкашликлар, нохушликлар, ўзбошимчаликлар ва ҳоказолар исканжасида қолдик. Буларнинг ҳаммасини эндиликда турғунлик даври деб атамоқдамиз. Ҳа, турғунлик бизга ниҳоятда қимматга тушди: социализм пойдеворига жиддий зиён етказилди, миллионлаб меҳнаткашлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатди, халқ хўжалиги ва ижтимоий ҳаётнинг жамики қирралари деярли ўтмаслашиб қолди.

1985 йилнинг апрелида балқиб чиққан қуёш қайта қуриш, ошкоралик, демократия йўлини ёритди, халқнинг бағрига мусаффо шабада тегди, унинг руҳияти, кайфияти яхшиланди. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма қондош ва қардош халқлари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам хатоларни тузатиш, ўпирилишдан чиқиш, қадду қоматни тиклаш, иқтисодни мустаҳкамлаш, турмушни яхшилаш йўлига тушдилар. Биз қарзларимиздан қутулишимиз, шаънимизни бузган доғларни ювишимиз, чинакам ўзбеклигимизни, Ленин даҳосига содиқлигимизни исботлашимиз керак эди. Порахўр унсурлар ҳамон топилиб туришибди, лекин умумий юксалишимизни сира-сира инкор этиб бўлмайди. Ўзбекистон индустрияси оёққа турди. Агросаноат комплекси вужудида янгилик куртаклари, яъни хўжалик ҳисоби, пудрат ва ҳоказолар барқ уриб кўкара бошлади. Айниқса пахтакорнинг чеҳраси равшанлашди. У нималарга қодир эканлигини беш йилликнинг учинчи йилида яна бир карра яққол исботлади.

Қайта қуриш сиёсати турмушимизнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олганлиги диққатга сазовордир. Энди биз халқ тирикчилигини яхшилаш, атроф муҳити муаммоларини ечиш, жумладан, Оролни қутқариб қолиш, маорифни, маданиятни, соғлиқни сақлашни, савдо ва маиший хизматни ривожлантириш, уй-жой қурилишини мисли кўрилмаган миқёсларда кенгайтириш мақсадини кўзламоқдамиз. Жамиятимиз жамики бўғинларини янгилаш, поклаш, юксалтириш ҳар бир кишининг эзгу ниятига айланиб қолганлигидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Партиямиз XXVII съезди, КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси инқилобий қайта қуришимизни Улуғ Октябрь ишининг қонуний давоми деб эълон қилишди. Чиндан ҳам шундай. Биз демократия кўпроқ бўлсин, социализм кўпроқ бўлсин, демоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, одамлар ошкоралик шароитида яшашга, ишлашга, курашишга, кўнгилда борини эмин-эркин айтишга, сайловлар системасини янгилашга, ўз ҳуқуқларини ҳам, бурчларини ҳам билишга одатланмоқлари керак. Бу — осон жараён эмас. Шу сабабли гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга оғишлар, иккиланишлар, ҳадиксирашлар бўлиб турибди. Ҳатто бугунги инқилобий ўзгаришларга ишончсизлик майллари ҳам сезилмоқда. Аммо биз тўғри йўлдан — партия кўрсатган йўлдан бормоқдамиз. Миллион-миллион кишилар янгиланиш сиёсатига қўшилиб, қайта қуриш байроғи остида комил ишонч билан олға интилмоқдалар.

Бугун Советлар мамлакати, жумладан, унинг ажралмас қисми ҳисобланмиш Ўзбекистон намойишга чиқади. Етмиш бир йил аввалгидек, олтмиш йил, эллик йил, қирқ йил, ўттиз йил, йигирма ва ўн йил аввалгидек умумхалқ оқими бош майдонларимиздан мардона қадам ташлаганча, энг азиз инсон — улуғ Ленинга таъзим қилганича дарёдек жўшиб ўтади.

Туғилган кунингиз — Улуғ Октябрнинг етмиш бир йиллиги муборак бўлсин, азизлар!

КРЕМЛДА ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ БИЛАН УЧРАШУВ

5 ноябрь куни Катта Кремль саройининг Георгий залида Москвада жойлашган чет мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачевга таништиришга бағишланган анъанавий маросим бўлиб ўтди. Маросимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ҳозир бўлдилар.

Дипломатларни СССР ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири В. И. Чернишев таништирди.

Дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари совет раҳбарларини, бутун совет халқини кириб келаётган Улуғ Октябрь байрами билан самимий табрикладилар.

Учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади У бундай деди:

(Давоми 3-бетда).

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Озиқ-овқат программасини ҳал этишда фан-техника тараққиёти, юксак унумли техникани қўллаб интенсив технологияларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиш муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда республика илмий тадқиқот ташкилотлари ва агросаноат комплекси мутахассисларининг куч-ғайратлари ана шу мақсадга қаратилган.

Тошкент районидаги «Тошкент» совхозида энг янги машина ва механизмларнинг намуналари намойиш қилинди. Бу ерда деҳқончилик янги системаси юзасидан кўргазма-семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. В. Муҳаммаджонов мазкур системанинг илмий асослари ва энг муҳим технология жараёнлари ҳақида гапириб берди. Семинар қатнашчилари деҳқончиликнинг янги системасига мўлжалланган машиналар комплекси билан ҳам танишдилар.

Механизмлар ишлатиб кўрсатилди. Улар орасида ўсимлик қолдиқларини майдаловчи серияли фрез—майдалагич—юмшатгич, тупроқни 50—60 сантиметр чуқурликда юмшатиб бир вақтнинг ўзида ҳайдалган қатламнинг ости ва устига органик ва минерал ўғит соладиган универсал юмшатгич — ўғитлагич ишчи органлари алмаштириладиган универсал юмшатгич-ўғитлагич машина бор.

Бир вақтнинг ўзида ерни 60 сантиметрдан ҳам чуқуррок юмшатадиган ва кавлайдиган ноёб юмшатгич ҳам кўрсатилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай машинанинг 40 дан ортиқ намунаси тайёрланди. Улардан фойдаланиш ғўзани 2—3 эгат оралатиб суғориш, сувни тежаш, ҳар гектар ер ҳосилдорлигини ошириш, ҳосилнинг етилиб пишишини тезлаштириш имконини берди.

Семинар қатнашчилари сабзавот, беда, маккажўхори, картошка ва чигит экиш учун эгат олиш механизмлари билан танишдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг таклифига биноан «Тошкент» совхози мутахассислари СО-4,2 маркали кўплаб ишлаб чиқарилган сабзавот сеялкаси асосида тайёрлаган ТОС-2,8 сеялкаси ишлатиб кўрсатилди. Бу сеялка бедани бирйўла олти қатор, оралиқ экинларни суғориладиган пушталарга эса икки қатор экаолади. Қатламни тўла ағдариб ташайдиган, бедазорларни чуқур ҳайдашга мўлжалланган плуглар кўрсатилди. Бундай плуглар беда илдизлари ва бошқа ўсимлик қолдиқларини 50—60 сантиметр чуқурликка кўмиб кетади.

Семинар қатнашчилари пахта ва ерёнғоқ ҳосилини йиғиштириб оладиган янги машиналар комплексини ҳам кўздан кечирдилар. Уларга Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти далаларида иккита ўзиюрар универсал икки қаторли пахта териш машинаси кўрсатилди. Бу машиналар мазкур институтда ишлаб чиқилган ва тайёрланган бўлиб, тўрт ғилдиракли схема асосида ишланган, улар бункерининг сиғими 18—20 кубометрга тенг. Улар мосланган баландликда терилган пахтани машинанинг икки томонига ағдариш имконини беради. Истиқболда ўзиюрар универсал машиналар схемаси пахта териш аппаратларини кўрак терадиган аппарат билан алмаштириш, шунингдек очилган пахтани тўкилган ҳосил билан бирга терадиган аппарат билан алмаштириш имконини кўзда тутади. Дефолиация, транспорт ишларида, бошқа қишлоқ хўжалик машиналари билан агрегатлаш учун ўзиюрар шассидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Босими кучли вентилятор, уруғлик заҳаланишини камайтирадиган спиралсимон қабул қилиш камералари билан жиҳозланган дам берувчи системали пневмотранспорти ҳам кўрсатилди. Ихчам вертикал шпиндел аппаратли ХФ-0,5 маркали тўрт қаторли пахта териш машинаси, пахта ва ғўзапояни йиғиштириб оладиган бошқа бир қанча механизмлар намойиш этилди. Ерёнғоқни қазиб олиб, илдизидан ажратадиган ва ғарамлайдиган машинанинг мутлақо янги конструкцияси ижобий баҳоланди. Республикада ерёнғоқ етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Ерёнғоқ мағзини ажратиб оладиган машинанинг тажриба намунаси ҳам тайёрланган.

Кўргазма-семинарда машиналар янги системасининг жорий этилиши сермеҳнат жараёнларни анча қисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини кўпайтириш имконини бериши таъкидланди.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Р. Н. Нишонов, Д. Д. Берков, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, республика Агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, олимлар, агросаноат комплексининг мутахассислари иштирок этдилар.

ПУДРАТ АФЗАЛЛИГИ

«Амударё» совхозида ҳайдаладиган ерларнинг деярли ҳаммаси оилавий пудратчиларга бириктириб қўйилган Бу ерда 124 коллектив пахта етиштирмоқда. Яна 30 коллектив озуқа экинлари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади.

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ҳузуридаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифларини кўриб чиқдилар. Шунга кўра, 1988 йилги СССР Давлат мукофотлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг бир қатор илғорларига берилди. Улар орасида қуйидагилар бор:

АПАТРОВ Валерий Геннадьевич, «Спецгидроэнергомонтаж» трестининг Ўрта Осиё монтаж бошқармаси монтажчилар бригадири. У меҳнатда ва илмий-техникавий ижодиётда юксак кўрсаткичларга эришганлиги, техникани ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга катта шахсий ҳисса қўшганлиги учун шу олий мукофотга сазовор бўлди.

АҲМЕДОВА Кимсанхон, Марғилондаги СССР 60 йиллиги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси. У меҳнатда юксак кўрсаткичларни қўлга киритганлиги, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳамда уларнинг сифатини тубдан яхшилашга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун лауреат бўлди.

ШЕРМАТОВ Бозорбой, Андижон шаҳар уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармасининг механизациялашган автомобиль-йўлсозлик базаси ҳайдовчиси. У меҳнатда юксак натижаларга эришганлиги, аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтиришга ҳамда хизмат сифатини оширишга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун СССР Давлат мукофотига лойиқ кўрилди.

ҚУДРАТОВ Тошпўлат, Самарқанд область Самарқанд районидаги Ф. Энгельс номли колхоз сабзавотчилик бригадаси бошлиғи; **ХУЖАМУРОДОВ Тошбой,** Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Москва» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи; **СОКОЛОВ Владимир Тихонович,** Сирдарё область Бахт пахта тозалаш заводининг ремонтчи-слесари. Улар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганликлари, меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларини кенг қўлланиш асосида деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ва қайта ишлашни кўпайтиришга қўшган катта шахсий ҳиссалари учун янги лауреатлар сафидан жой олишди.

ҲАТАМОВ Холдор, 2 - «Ферганаоблагропромстрой» бирлашмасига қарашли механизациялашган колхозлараро 96-кўчма колоннанинг комплекс бригадаси бошлиғи. У меҳнатда юқори натижаларни қўлга киритганлиги, агросаноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини оширишга шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун лауреат бўлди.

Мукофот муборак, лауреатлар!

ХИРМОНГА БАРАКА! 1988

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 ноябрга бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан
БУХОРО	**0,49**	**109,80**	**0,58**	**89,36**
ТОШКЕНТ	**0,22**	**108,82**	**0,17**	**111,12**
ХОРАЗМ	**0,30**	**108,36**	**0,42**	**69,36**
ҚАШҚАДАРЁ	**0,30**	**104,60**	**0,20**	**112,16**
ҚҚАССР	**0,66**	**100,12**	**0,29**	**93,95**
Сурхондарё	**0,81**	**98,69**	**0,18**	**91,90**
Сирдарё	**0,54**	**98,15**	**0,46**	**107,84**
Наманган	**0,78**	**94,89**	**0,41**	**68,02**
Фарғона	**0,71**	**94,88**	**0,18**	**41,94**
Самарқанд	**1,04**	**87,51**	**0,63**	**82,82**
Андижон	**0,75**	**74,51**	**0,30**	**30,21**
Республика бўйича:	0,62	97,28	0,35	83,63
Шу жумладан ингичка толали пахта				
САМАРҚАНД	**2,38**	**118,72**	**4,26**	**117,93**
СУРХОНДАРЁ	**0,94**	**113,01**	**0,30**	**171,08**
ҚАШҚАДАРЁ	**0,61**	**108,63**	**0,38**	**152,62**
Наманган	**0,60**	**99,22**	**—**	**—**
Бухоро	**0,16**	**15,82**	**0,55**	**10,35**
Республика бўйича:	0,83	106,90	0,40	159,97

ҚОРАҚАЛПОҚ-ОЛТИН ЧАНОҚ

Жўмардлар эли илк маррага дадил етди. Карвон юриши давом этади

ПАХТАЗОРГА СОЧИЛГАН БАХТ

Орол бўйларидан хушхабар таралди: тобора яшнаб-яшариб бораётган, қардош халқлар оиласида камол топаётган Қорақалпоғистон автоном республикаси деҳқонлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Мавжуд 164 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22,4 центнердан, жами 360 минг тонна оқ олтин йиғиштириб олиниб, йиллик план муддатидан илгари — 5 ноябрда шараф билан бажарилди. Ялпи ҳосилнинг 220 минг тоннаси пўлат этаклардан тўкилди.

Шоир айтганидек, деҳқоннинг бахти пахтазорларда сочилиб ётибди. Мана икки ойдирки, заршунослар ўзларининг бахтини — оппоқ пахтани тезкорлик билан йиғиштириб олмоқдалар. Бугун наинки пахтакорларнинг, ҳамма-ҳамманинг ўй-ташвиши битта, нигоҳи оқ олтин далаларида.

Қишлоқда тўйда бўлдим. Чўғдай қизил гиламга келин билан куёвнинг номлари пахта билан ёзиб қўйилибди. Стол устида эса қийғос очилган пахта чаноғи. Бу менга орзу-умид билан бир ёстиққа бош қўяётган иккала ёш ана шу оппоқ момиқни ўртага қўйиб, покиза ва эҳтиросли қалбнинг қайноқ туғёни — севгига мангу содиқ қолиш ҳақида қасамёд қилаётгандай туйилди.

Ҳа, пахта биз учун азиз ва ардоқли, нон ушоғидай табаррук. У турмушимиз, урф-одатимизга шундай чуқур сингиб кетганки, деҳқон эндиликда ўз ҳаётини пахтасиз, дангиздай мавжланиб турган пахтазорларсиз тасаввур қилолмайди. Яқин ўтмишда халқи сурув ва пода кетидан юриб ҳаёт кечирган Қорақалпоғистонда бугун минг-минглаб оқ олтин усталари бор. Бу ерда 90 га яқин колхоз ва совхоз пахта етиштиришга ихтисослаштирилганки, уларда ялпи даромаднинг 80 процентидан знёди шу экин ҳосилидан олинмоқда. Аммо сир эмас: турғунлик йилларида тармоқда иш бирмунча издан чиқди. Пахта сотиш йиллик плани сурункасига бажарилмади. Ўтган икки йил мобайнида давлатдан 76 минг тонна хом ашё қарздор бўлиб қолинди.

1985 йилнинг апрелидан кейин мамлакатимизда бошланган қайта қуриш туфайли автоном областда ҳам покланиш куртаклари барг ёзди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, жумладан пахтачиликда сезиларли натижаларга эришилди.

ЧЎЛДА ЧАМАН

«Қирқизобод» колхозига олиб борувчи йўл қум барханлари орасидан ўтади. Қуюқ саксовулзорлар, даштда чопиб юрган саҳро жонзотлари беихтиёр хўжаликнинг кечаги кунини эслатади кишига. Илгарилари шаҳарга қиёс марказий қўрғон ўрнида саҳро суқунати ҳукмрон эди. Ҳатто бу жойга Тўрткўл ва Берунийдан саксовул теришга чиққан ўтинчилар ҳам оёқ босишмасди. Чўлқуварлар келгач, дашт қиёфаси бутунлай ўзгарди: пахтазорлар бунёд этилди, қишлоқ обод бўлди.

Қарангки, саҳро қўйнида чаман яратган қирқизободликлар ҳар йилгидек бу йил ҳам Элликқалъа районида биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келдилар. Ватан хазинасига 5.300 тонна чўл дурдонаси армуғон этилди. Ҳар гектар майдондан 26,5 центнердан хирмон кўтарилди. Комилжон Отамуратов, Собир Қаландаров, Жуманиёз Худойберганов ва Камолиддин Низомиддинов раҳбарлик қилаётган бригадаларда бу кўрсаткич 35 центнердан ошди. Гулойим Жумамуратова бошлиқ оилавий звенода эса рекорд ҳосил — гектар ҳосибига 59 центнердан хом ашё олинди. Гулойимнинг издошлари кўп. Ҳанифа Тўраева, Одилбек Рўзметов звеноларининг миришкорлари ҳам 50 центнерлик маррани кўзлаб ғайрат кўрсатмоқдалар.

Бу йил колхозда машина теримига эътибор кучайтирилди. План бажарилса-да, пайкалларда 18 та кўсак узиш ва чувиш агрегати ишлиб турибди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон ССР ЛКСМ Марказий Комитетлари секретариатлари пахта териш машиналари ёш механик-ҳайдовчилари ўртасида ташкил этган «Даъват соврини» мусобақаси қатнашчиси Олимбой Авезов ҳозиргача хирмонга 220 тонна оқ олтин тўкди. Озод Бобожонов, Раҳматилла Олланазаров ва Икром Раҳмонов сингари дала гвардиячилари ҳам беллашувда пешқадам.

Қайта қуриш жараёни ҳар хўжаликда ўзига хос тарзда кечаяпти. Бу табиий ҳол, албатта. Ер, сув ресурслари, ишчи кучи ва техникадан омилкорлик билан фойдаланилаётган коллективларда иш жадал кетмоқда. Масалан, Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозида сурункасига 3 йилдан буён топшириқ ошиғи билан уддаланаяпти. Сабаби, демократия асосида сайланган раҳбарлар меҳнаткашлар ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Маданий-маиший хизмат объектлари қурилиши кучайди. Йўл ва кўприклар созланди, кўчалар обод этилди, водопровод суви келтирилди, хонадонлар газлаштирилаяпти.

Жорий йилда 1.040 гектар майдонда деҳқончилик қилган пахтакорлар Ватан хазинасига 3 минг тонна оқ олтин тортиқ этиб, йиллик

АҲДГА ЯРАША

планни районда биринчи бўлиб бажаришди. Бунинг эвазига 2,5 миллион сўм даромад олинди. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари кенг жорий этилгани, оилавий звенолар сони ўтган йилгидан 5 баробар кўпайгани муваффақиятни таъминлади.

Димитров номли колхозда эса пахта майдонининг ҳаммаси механизаторларга бўлиб берилди. Бир кишига ўртача 55 гектар майдон тегди. Натижами? Ҳар қачонгидан қувончли: етиштирилган 4.700 тонна хом ашёнинг 85 проценти биринчи сортга қабул қилинди, 60 проценти эса зангори кемалар ёрдамида йиғиб-териб олинди. Энг муҳими, машина терими сифати кескин яхшиланди, тўкилган пахтани саранжомлашга сарфланадиган маблағ 60 процентга камайди.

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Кегайли районидаги «Халқобод» совхозида Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб бригада пудрати жорий этилганди. Авваллари қолоқлик ботқоғига ботиб қолган коллектив ана шу илғор усул туфайли пешқадамлар safidan ўрин олди. Халқободликлар ўтган йили давлатга пландан ташқари 900 тонна оқ олтин сотган бўлсалар, бу йил белгиланганидан 1.000 тонна кўп пахта топширдилар. 39 та бригаданинг ҳаммаси айни кунларда мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдалар. Хидирбой Шаметов бошлиқ бригаданинг календарига эса 1990 йил ёзиб қўйилди. Заршунослар давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган тўрт йиллик планни автоном республикада биринчи бўлиб бажардилар. Қувончли иши шуки, совхозда оқ олтин етиштириш ҳажми кўпайишига қарамай, сарф-харажатлар кескин камаймоқда. Масалан, уч йил мобайнида ҳар центнер хом ашё таннархи қарийб 5 сўм арзонлашди. Ўз навбатида тармоқдан олинаётган даромад йил сайин ошмоқда. Жорий йилда 6 миллион сўм, ўтган йилгидан 600 минг сўм кўп даромад олинди.

Район партия, совет ташкилотлари, айниқса агросаноат бирлашмаси халқободликлар тажрибасини барча хўжаликларга кенг ёймоқда. Конференция йилида 200 та коллектив пудрат асосида ишлади. Натижада заршунослар давлатга пахта сотиш йиллик планини областда биринчилар қаторида бажардилар.

Чимбой районидаги Қосим Авазов номли совхознинг Муродбой Эрниёзов бошлиқ бригадаси деҳқонлари эса ижара усулининг қалдирғочлари бўлишди. Бунинг самараси ўлароқ ҳосилдорлик гектар ҳосибига 12 центнер ошди. Давлатга ўтган йилгидан юз тонна кўп пахта сотилди.

Яна бир характерли факт. Ўтган йили автоном республикада мавжуд 2.305 та пахтачилик бригадасидан 1.792 таси планни бажара олмаган эди. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули — бригада, оила ва ижара пудратида ишлаган коллективларнинг ҳаммаси бу йил ғалаба рапортига имзо чекишдек бахтга мушарраф бўлди.

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

Хоразм областида бўлганидек, Қорақалпоғистонда ҳам суғориладиган майдонларнинг потенциал имкониятлари катта. Бироқ бу ерда, айниқса чўл зоналарида пахтадан кам ҳосил олинмоқда. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Аввало хўжаликларни сув билан таъминлаш муаммоси ҳалигача узилкесил ҳал қилинмаган. Аксарият майдонларнинг мелиоратив ҳолати ёмон, ишчи кучи етишмайди. Ҳар кишига 4— 5 гектар ер тўғри келади. Хоразмда эса бунинг тескариси: ҳар 4— 5 кишига 1 гектар экин майдонини тақсимлаш мумкин.

Шунинг учун партия, совет ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари энг кўп қўл кучи талаб этиладиган тармоқни, яъни пахтачиликни механизациялашга эътиборни кучайтирмоқдалар. Техника парклари қувватини ошириш билан биргаликда механизатор кадрларни танлаш ва тарбиялаш иши яхшиланаяпти. Шунингдек, ерни экишга тайёрлаш тартибига бир мунча ўзгартишлар киритилди. Эндиликда пахта майдонларининг қарийб ярми кузда шудгорланаётир. Натижада чигит қадаш муддати қисқармоқда. Бу йил ана шу юмуш олдинги йилга нисбатан 15 кун эрта тугалланди.

Ғўзани машинабоп қилиб ўстириш диққат марказида. Жами майдоннинг учдан икки қисми сифатли дефолиация қилинди. Буларнинг ҳаммаси механизаторларнинг жасорат кўрсатишларига имкон берди. Мавсумда 2.900 та зангори кема тўла қувват билан ишлади. Уларнинг кучи билан 220 минг тонна оқ олтин терилди. Чўл зонасидаги Қораўзак райони механик-ҳайдовчилари бу борада алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Улар ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналарда саранжомладилар. Беруний районидаги «Ленинизм», Амударё районидаги «Коммунизм» ва Жданов номли колхозларда эса машина терими плани октябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ бажарилди. Беруний районидаги «Ленинизм» колхозидан Я. Юсупов, Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоздан Р. Оллаберганов, Элликқалъа районидаги «Қирқиз» совхозидан Д. Назаров, Амударё районидаги Жданов номли колхоздан Г. Матёқубов сингари суворийлар ҳозирга қадар 250 — 300 тоннадан пахта териб, эл олқишига сазовор бўлишди.

Мавсумнинг ўзига хос хусусиятидан бири шуки, автоном республикада пахтачилик тарихида биринчи марта бу йил мактаб ўқувчилари теримга жалб этилмади. Саноат ва қурилиш ташкилотлари, айниқса хизмат тармоғи ходимлари ҳам ўз иш жойларида фаолият кўрсатдилар. Улар ишдан бўш вақтларида, дам олиш кунларидагина далага чиқиб, пахтакорларга мададкор бўлдилар.

АННА НАВИ

Қорақалпоғистоннинг шимолий районлари иқлими жанубидагига нисбатан кескин фарқ қилади. Масалан, Тўрткўл ва Берунийда ўрик қийғос гуллаган пайтда Шуманай, Чимбой ва Қўнғирот далалари қор кўрпасига бурканиб ётади. Қолаверса, шимолда совуқ эрта тушади.

Чимбойлик заршунослар бу йил ўз ютуқлари билан нафақат ҳамюртларини, балки қўшни Хоразм ва Бухоро областларининг деҳқонларини ҳам қойил қолдиришди. Улар автоном республикада биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Она-Ватан хазинасига 21.600 тонна оқ олтин ҳадя этилди

Анна Васильевна Брезнековская номи чимбойликларга яхши таниш. Камтар, камсуқум, меҳнатсевар олима ўлкада пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Унинг ижодига мансуб ғўза навларидан сўнггиси «Чимбой—3010» деб аталади. Бу нав аймоқларига нисбатан 15 кун эрта пишади, сифатли тола беради. Асосийси шуки, «Анна» нави машинабоп. Шу боисдан бу йил районда зангори кемалар юқори унум билан ишлади. Натижада 6 та хўжаликнинг ҳаммаси октябрь ойида планни ошириб адо этди. Усмон Юсупов номли совхоз миришкорлари эса ҳозирга қадар планга қўшимча 600 тонна пахта етиштирдилар.

—Турғунлик йилларида уруғчилик иши ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганди, — деди биз билан суҳбатда автоном республика агросаноат давлат комитети пахтачилик бўлими мудири С. Алимбетов. — Натижада тезпишар ва юқори ҳосилли навлар айниб кетди. Бу йил Тўрткўл районидаги «Победа» колхозида ғўзанинг истиқболли нави — АН-Ўзбекистон-3 экилди. Пировардида 863 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан, жами 2.300 тоннадан знёд юқори сифатли саноат хом ашёси тайёрланди.

ҲАЁТБАХШ ДАСТУР

Автоном республика ирригаторлари сув муаммосини ҳал этишда жиддий қийинчиликларга дуч келишмоқда. Сабаби, айрим районларда оби ҳаёт керагидан ортиқча бўлса, баъзиларида умуман сув етишмайди. Масалан, Тўрткўл районидаги Ёнбошқалъа массивида жойлашган хўжаликлар деҳқонларини ичимлик сув билан таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиб турган бир пайтда Қўнғиротда сўнгги йилларда сизот суви анча юзага кўтарилди.

Ҳозир хўжаликларда суғоришда сувни максимал даражада тежаш имконини берадиган ёмғирлатиш усули кенг қўлланилаяпти. Қатор ораларига оби ҳаёт тарашда эгилувчан қувур ва полиэтилен найчалар ишлатилмоқда. Оқибатда сув сарфи олдинги йиллардагига нисбатан бирмунча камайди. Автоном республикада, Амударё ва Сирдарё бўйларидаги қатор областларда оби ҳаёт устидан назорат кучайганлиги туфайли 1987 йилда Орол денгизига 10 куб километр, бу йил эса 15 куб километр сув оқизилди.

Мутахассислар фикрича, Қорақалпоғистонда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши эмас. Мавжуд 485 минг гектар суғориладиган майдоннинг учдан икки қисми шўрланган. Шу боисдан республикада 1989—1990 йилларга мўлжалланган мелиорация программаси ишлаб чиқилган.

Деҳқонлар уни ҳаётбахш программа деб атамоқдалар. Бунинг сабаби бор, албатта. Янги программага мувофиқ яқин икки йил мобайнида барча экин майдонларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш мўлжалланган. Ерларни обдон ва жорий текислаш, суғориш шохобчаларини тозалаш ва чуқурлаштириш, янги коллектор ва зовурлар қазишга катта миқдорда маблағ ажратилди. Сув қурилиши корхоналари ва ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Шундай қилиб, келажакда Қорақалпоғистон мамлакатнинг мўл-кўл оқ олтин етиштирувчи йирик зоналаридан бирига айланади.

Ҳ. РАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Беруний районидаги Будённий номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Пардагул Рўзимова бошлиқ бригадаси деҳқонлари конференция йилида 120 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ватан хирмонига 300 тонна юқори сифатли оқ олтин тортиқ этилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 25 центнерга етди.

СУРАТДА: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, илғор бригада бошлиғи Пардагул Рўзимова.

Р. УТАМУРОДОВ фотоси.

●

Қораўзак районидаги «Ҳурмат белгиси» орденли «Қуралпа» совхозининг Носирулла Нагметуллаев бошқараётган бўлими заршунослари автоном республика хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Қабул пунктларига 776 тонна хом ашё армуғон қилинди. Унинг асосий қисми машиналарда йиғиштириб олинди, 80 процентидан знёдроғи эса юқори навларга сотилди.

Миришкорлар ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, яна 24 тонна оқ олтин тайёрлашга, ялпи ҳосилни 800 тоннага етказишга ахд этишган. Шу ниятда йиғим-терим қизғин давом этмоқда.

СУРАТДА: бўлим бошқарувчиси Н. Нагметуллаев.

П. ТУРАКБОЕВ фотоси.

ПУДРАТ—ИБРАТ

Ернинг тортиш кучини деҳқон ҳаммадан чуқурроқ ҳис этади десак, муболаға эмас. Замин унинг меҳрига ҳамиша ташна. Зар қадрини заргар билар деганларидек, ҳар қарич ер деҳқон учун ардоқли. Кимки уни эъзозласа, саховатидан албатта баҳраманд бўлади.

— Ерни хўрлаш, эгасизлантиришнинг хунук оқибатларини унутишга ҳаққимиз йўқ, — дейди деҳқон сулоласи шарафини улуғлаб келаётган Ўғилжон Отамуродова. — Хўжасизлик, лоқайдлик, табиатга шафқатсизлик касофатидан у ориқлаб, камҳосил ҳолатга келди, монокультура деҳқончиликка катта зарар етказди. Эндиликда аҳволни аста-секин ўнглаб олаётирмиз. Ер ҳақиқий эгасини топди, деҳқон ҳам унинг хўжайини эканлигини чуқур англаган ҳолда бу бебаҳо хазинани сидқидилдан авайламоқда.

Дарҳақиқат, оилавий пудрат қишлоқда инсон омилини ҳаракатга келтириб, меҳнатнинг муносиб қадрланиши учун кенг уфқ очди. Янгиликнинг афзаллиги пировард натижаларда ўз ифодасини топмоқда.

Юқорида номи тилга олинган Ўғилжон Отамуродова ўзи раҳбарлик қилаётган бригада мисолида пудратчиларнинг ишлари, синалган бу усулнинг истиқболи тўғрисида гапириб берди. Опа пенсия ёшида бўлса-да, ҳамон сафда. Коллективдаги 17 та оилавий звенонинг ҳаммаси белгиланган планни ортиғи билан ўринлатди. Улар қўшимча топширилган пахтанинг ўзидан 31 минг сўм даромад олишди. Биринчи сортга қабул қилинган хом ашё эвазига эса ўтган йилгидан қарийб икки баравар кўп наф кўрдилар.

Ўғилжон опа Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати, правление аъзоси сифатида фақат бригадаси ҳақида жон куйдириб қолмасдан, пахтачилик келажаги, пудрат имкониятлари ва муаммолари хусусида кўпроқ ўйлайди. Ўзи меҳнат қилаётган «Правда» колхози Беруний районида биринчилар қаторида маррага етганлиги пудрат тўғри жорий этилиши шарофати эканлигини у фактлар билан исботлаб берди. Хўжаликда 250 та пудратчи оила мавжуд бўлиб, улар шартнома мажбуриятини ошириб бажардилар. Беллашувда Рустам Ҳайитбоев бошлиқ звено пешқадам. Бу ерда 15 гектар ердан 50 тонна ўрнига 58 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Гектар ҳосилдорлиги 38 центнерга етди. Ҳар колхозчи ҳисобига 12 тоннадан оқ олтин етиштирилди. Натижада уларнинг ойлик маоши 250 сўмдан ошди. Феруза ва Сайёра Холлиевалар, Янгибой Йўлдошев, Рўзибой Ҳайитбоев каби пудратчиларнинг ҳам хирмони ва даромади баракали бўлди.

— Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илғор усули ердан, моддий ресурслардан самарали фойдаланишга имкон бермоқда, хўжалик экономикасини жадал юксалтиришга кўмаклашаяпти. Бу йил пахтачиликнинг ўзидан 2,8 миллион сўм ўрнига 3,2 миллион сўм даромад олинди. Демак, колхозчиларнинг фаровонлиги янада ошади, — дейди колхоз иқтисодчиси, район Совети депутати Энажон Йўлдошева.

«Правда» колхозининг тажрибаси қўшниларга асқотмоқда. Масалан, Беруний номли совхоз, «Ленинизм» колхози ва бошқа қатор хўжаликларда оилавий пудрат қўлланилгач, пахта ва бошқа экинлардан маҳсулот олиш ҳажми ошди, ҳосилдорлик анча кўпайди.

Аммо ҳамма хўжаликларда ҳам аҳвол кўнгилдагидек деб бўлмайди. Пудрат принципларига изчил риоя қилмаслик, шартнома мажбуриятларини бажаришга масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари учрамоқда. Меҳнат шароитини яхшилаш ҳақида кам ғамхўрлик қилинаяпти. Илғорлар тажрибасини кенг ёйиш орқали айрим хўжаликларда ҳукм сураётган қолоқликни тугатиш, меҳнатни янгича ташкил қилиш зарурлигини қайта қуриш тақозо этмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ.



Демагул Ойбосиқова номини Чимбой районидаги Усмон Юсупов номли совхознинг «Партия XXV съезди» бўлимида ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. У бир неча йилдан буён механизаторлик касбини шарафлаб келмоқда, ҳалол меҳнати эвазига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати этиб сайланган. Демагул бу йил пахта йиғим-теримида ҳам ҳамкасбларига ўрнак кўрсатди: мавсум бошидан бери хирмонга пўлат этаклардан 110 тонна оқ олтин тўкди. Моҳир дала гвардиячиси бу кўрсаткични 130 тоннага етказиш йўлида астойдил ишламоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Пешқадам механик-ҳайдовчи Демагул Ойбосиқова. 2. Машина терими.

Б. АЛЛАШЕВ фотолари.

ЭЗГУ НИЯТ УШАЛДИ

Амударё районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари эрта баҳорда 1.345 гектар майдонга чигит экишганди. Уруғ ернинг ўз намида ундириб олинди, ғўза бўй кўрсатиши биланоқ парвариш қизитиб юборилди. Ёз давомида эса ҳар туп ниҳол ардоқда бўлди: қатор оралари ўз вақтида юмшатилди, маромида озиқлантирилиб обитобида сув таралди. Натижада жами пайкалда кутилганидан знёда ҳосил тўпланди.

Уни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўрилди. Хусусан мавжуд агрегатлар барвақт тайёрлов чизиғига келтириб қўйилди, ғўзани баргсизлантириш қатъий график асосида сифатли ўтказилди, йўллар, кўприклар ва хирмонжойлар созланди, дала четлари тозаланди. Йиғим-теримга эса 24 та зангори кема, бутун ишчи кучи сафарбар этилди. Бунинг самараси кўзга яққол ташланди: 24 октябрь куни дастлабки марра эгалланди. Ҳар гектар ердан 27 центнердан, 3.530 тонна оқ олтин тайёрланди. Ялпи ҳосилнинг 85 проценти ёки 3.000 тоннаси машиналарда саранжомланди. Бу соҳадаги план 135 процент уддаланди. Нурилла Холлиев, Ўрозбой Тиловбоев, Бозорбой Отажонов сингари механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири бункерлардан 234—240 тоннадан хом ашё бўшатди.

Эришилган ютуққа Холбой Жуманазаров, Раҳим Худоёров, Моможон Эшчонова, Жумагул Ўрозбоева бошлиқ бригадалар ва оилавий звенолар айниқса катта ҳисса қўшдилар. Бу коллективларда гектар ҳосилдорлиги 30—35 центнердан ошди.

Заршунослар план бажарилгач, яна 350 тонна оқ олтин топширишга сўз беришганди. Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги байрами арафасида ана шу эзгу ният ҳам ушалди: Ватан хирмонига 3.880 тонна юқори сифатли пахта тортиқ қилинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 29 центнерга етди.

Й. МАТЁҚУБОВ.

КРЕМЛДА ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ БИЛАН УЧРАШУВ

(Бошы 1-бетда).

Ҳурматли дипломатлар оқсоқоли! Хонимлар ва жаноблар! Ўртоқлар!

Совет раҳбарияти номидан сизларни, давлатларингиз ва халқларингиз вакилларини асосий байрамимиз — Советлар мамлакати вужудга келган куннинг 71 йиллиги арафасида қутлайман.

Олдинги учрашувимиздан кейин ўтган бир йил шунчаки муҳим воқеаларнигина эмас, мислсиз воқеаларни ҳам олиб келди. Халқаро муносабатларнинг янги ҳарактери томон ҳаракат бошланди. Эски муҳолифлик андозалари ва одатлари ҳали парчалаб ташланган эмас, албатта. Шунга қарамай, халқлар ва давлатлар фаолиятининг сиёсий ва психологик «муҳити» яхшиланмоқда.

Кўпгина ҳукуматлар намоён этган сиёсий ирода натижаси, ижтимоий ҳаракатларнинг янги даражасининг натижаси сифатида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузи қайта тикланганлиги ва унинг фаол иштироки туфайли жаҳон майдонида ижобий ўзгаришлар мумкин бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи раҳбарлари, мамлакатимиз гражданлари бу ўзгаришларни мамнуният билан қайд этмоқдалар. Асосли равишда бу ўзгаришларни қайта қуриш бизга берган ўз ташқи сиёсатимизни янги давр реалликларини ҳисобга олиб, В. И. Ленин биринчи бўлиб эълон қилган ҳамда социализмнинг табиатидан келиб чиқадиган тинч-тотув яшаш ва тенг ҳуқуқли бўлиш принциплари асосида изчил ва ижодий равишда қуриш имкониятлари билан боғламоқдалар.

Ҳар бир давлатнинг ўз ташвишлари, ўз вазифалари, ўз қийинчиликлари бор. Аммо ҳозир бошқаларнинг манфаатларини менсимай, топтаб ёки инсониятнинг ҳаётий эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик йўли билан ҳеч ким ўз манфаатларини қондира олмайди.

Янги яшаш шароитлари, жаҳон ҳамжамиятининг янги шароитлари дипломатларга нисбатан ҳам талаблар қўймоқда. Қарорларни парламентлар ва ҳукуматлар қабул қилади, лекин бу қарорларнинг аниқлиги ва тўғрилиги кўп жиҳатдан сизларга, дипломатларга боғлиқ. Биз ўз дипломатия хизматимиз ходимларидан ўзлари турган мамлакатдаги воқеалар тўғрисида ҳаққоний ахборот беришнигина эмас, уларни ҳолисона таҳлил қилишни, масъулиятли тавсияномалар беришни талаб қилмоқдамиз. Биз дипломатлар санъатига уларнинг Ватан топшириғини бажараётган мамлакат билан ўз мамлакати ҳамжиҳатлиги ва бир-бирига яқинлашувига қўшган ҳиссасига қараб баҳо берамиз. Улар чинакам тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлай оладими, халқлар ўртасида ҳайрихоҳлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини вужудга келтира оладими, ана шунга қараб баҳо берамиз.

Ҳозирги дунё—катта умидлар дунёсидир. Улкан имкониятлар ва хавф-хатарлар дунёсидир. У сиёсатчилардан ҳам, дипломатлардан ҳам юксак масъулиятни, бўлажак воқеаларни аниқ кўра билишни, қатъий реализмни ва албатта яхши ниятни, бошқаларни тушунишга тайёр туришни ва унинг манфаатларини ҳамда умумий манфаатларни ҳисобга олиб ҳаракат қилишни талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан — сизларни хурсанд қиламанми ёки йўқми бунисини билмадим-у, лекин шуни айтмоқчиман: сизларнинг Москвадаги ишларингиз ҳажми ортиб бораверади. Буни биз сизларга ваъда қилишимиз мумкин! Чунки ўзимиз ядросиз ва зўравонликсиз дунёга, хилма-хил ҳамкорлик дунёсига олиб борадиган йўлни қатъият билан давом эттиришга аҳду паймон қилганмиз.

Табиийки, сизларда иш учун бир хил шароит бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз лозим. Чунончи, биз дипломатларнинг СССР ва республикалар Олий Советларининг вакиллари, СССР ҳукумати ва республикаларнинг ҳукуматлари, Марказий Комитет ва маҳаллий партия органлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилиши учун имкониятларни кенгайтириш ниятидамиз.

Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик билан биргаликда, сиёсий ва иқтисодий ислоҳот билан биргаликда ҳаётимизга кириб келаётган жиҳатларнинг янгилиги ва мураккаблигини, самарадорлигини тушуниб олишларингизни истар эдик, мен буни яширмайман. Бизни яхшироқ билиб олишингизни истаймиз, чунки бу сизларга давлатингиз учун Совет Иттифоқи хайрихоҳ, барча ҳаракатлари аниқ ва равшан бўлган ишончли дўст, қўши ёки шерик эканлигини қатъий асослашингизга ёрдам беради.

Ўзларингиз вакил бўлган давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарларига энг яхши истакларимизни, халқларингизга эса тинчлик ва фаровонлик тилаётганлигимизни етказишингизни сўрайман.

Учрашувда қатнашганлигингиз учун миннатдорчилик билдираман. Бу учрашувни биз Октябрь революцияси ва қайта қуриш мамлакатига диққат-эътибор ва ҳурмат белгиси, деб биламиз.

Дипломатия корпусининг оқсоқоли, КХДРнинг СССРдаги элчиси Квон Хи Ген ўз нутқида бундай деди:

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ҳурматли ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев!

Биз, дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари совет халқининг анъанавий шонли байрами муносабати билан сиз бу ерда, Кремлда Москвада жойлашган дипломатия корпуси билан учрашув ўтказганлигингиз ва дипломатия вакилларининг иши тўғрисида ҳозир айтган самимий сўзларингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги муносабати билан дипломатия миссияларининг бошлиқлари номидан Сизга, Совет Иттифоқи раҳбариятига ва бутун совет халқига самимий қутловлар ва энг яхши истакларимизни ифодалашга рухсат этгайсиз.

Кези келганидан фойдаланиб, ҳурматли Михаил Сергеевич, ўн биринчи чақириқ, СССР Олий Советининг октябрь ойи бошларида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида СССР Олий Совети Президиумининг раиси лавозимига сайланганингиз билан яна бир бор чин қалбдан табриклашга рухсат этгайсиз.

Ўтган бир йил ичида мамлакатингиз халқининг социал, сиёсий ва иқтисодий турмушида юз берган янги ўзгаришларни биз қизиқиш билан кузатиб турдик.

Ҳозир совет халқи барча соҳаларда қайта қуришни чуқурлаштирмоқда ва меҳнат вахтасини янада активроқ давом эттирмоқда.

Москвадаги олий даражадаги Совет — Америка учрашуви дунё халқларининг ғоят чуқур эътибор муҳитида ўтди, ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартномани амалга киритиш хусусида ратификация ёрлиқлари алмаштирилди, бу эса тарихда биринчи марта ядро қуролини тугатишга йўл очди.

Бу амалий силжишларни бутун инсоният табриклади.

Сизнинг совет халқи фаровонлигини оширишга, мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормайтолмай сарфлаётган амалий куч-ғайратингиз ва жўшқин фаолиятингизни зўр қизиқиш билан кузатиб турибмиз.

Ҳозирги вақтда инсоният ядро қуроллари ва урушлардан ҳоли бўлган чинакам тинчликни ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ истамоқда.

Ялпи қуролсизланишни, жумладан ядровий қуролсизланишни амалга ошириш, ядро қуролини бутунлай тугатиш, ўз мамлакати тинчлик вазиятида ривожланиши ва гуллаб яшнашига эришиш ҳамда бутун дунёда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш — бу давлатларнинг катта-кичиклиги, идеологияси ва ижтимоий тузумидан қатъий назар бутун инсониятнинг умумий муддаосидир.

Бугунги учрашувдан фойдаланиб ишонч билан шуни айтмоқчиманки, бу ерда ҳозир бўлган дипломатия вакилларига ваколат берган мамлакатлар халқлари билан сизнинг мамлакатингиз халқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустақиллик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари негизида, ўзаро манфаатлар ҳамда бутун дунёда тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида ривожланиб, чуқурлашиб бораверади.

Ҳурматли Михаил Сергеевич, олижаноб фаолиятингизда муваффақият ва бахт-саодат тилаймиз, совет халқига эса гуллаб яшнаш ва тараққиёт тилаймиз.

* * *

Расмий маросимдан сўнг элчилар ва муваққат ишлар вакиллари билан эркин суҳбат бўлиб ўтди.

Дипломатия корпуси билан учрашув дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ҲАЛОЛ ПАХТА



Ушбу суратлар олинган кунда Ўзбекистон план топшириғида кўзда тутилган пахтанинг ўндан тўққиз қисмини йиғиб-териб, бунтларга жойлаб қўйганди, ҳолбуки, ҳали октябрь тугагани йўқ. Кўп вақтдан буён бундай бўлмаган эди. Топшириқлар кўп йиллар давомида фақат қоғозда бажариб келинди, сўнгра эса қўшиб ёзишнинг оғир йиллари бошланди, бировлар олдин қилган жиноятлари учун жавоб беришларига тўғри келди, бошқалар эса ана шу даврда ҳам ҳосилни қўшиб ёзишни давом эттирдилар, чунки улар теварак атрофида ҳеч нарса ўзгармаган эди. Республикада ўзгаришлар қийинчилик билан, секин амалга оша бошлади.

Ниҳоят, бу йилги йиғим-терим мавсуми республика тарихига ёзилса керак. Мўл ҳосил етиштирилганлиги, обҳавонинг қулай келиши, теримчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги расценкалари, пахтакорлар ишини ташкил этишнинг пудрат ва ижара каби янги принциплари — мана шуларнинг ҳаммаси бу йил кузда қўшилиши, Ўзбекистонликларнинг пахта фаровонлик манбаи эканлигига ишончларини яна мустаҳкамлай бошлади. Ҳали ҳамма муаммолар ҳал қилинмаган бўлса ҳам, суратдаги бригада бошлиғи ҳали ўз даласининг ҳақиқий хўжайинига айланмаган бўлса ҳам, қишлоқни қайта қуриш йўналишининг ўзи ўтмишнинг такрорланишига имконият қолдирмайди.

В. СОКОЛОВ.

Бухоро область Свердлов районидаги Яккатут пахта тайёрлаш пунктида.

«Ўзбекистон» колхози пахтакорлари бригадири Йўлдош Жўраев.

В. БОГДАНОВ фотоси.

(«Литературная газета», 1988 йил 2 ноябрь).

СССР мудофаа министрининг буйруғи

1988 йил 7 ноябрь № 365 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, пропоршчик, ва мичман, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар, граждан-лар уруши, Улуғ Ватан уруши ва СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун совет халқи, армия ва флот жангчилари, қардош социалистик давлатларнинг меҳнаткашлари бутун тараққийпарвар инсоният ижтимоий тараққиётнинг янги даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигини тантанали нишонламоқда.

Октябрнинг тарихий ғалабасидан кейин совет кишилари кўпгина авлодларининг фидокорона меҳнати билан жамиятимизни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Улуғ Октябрь иши мамлакатда партия XXVII съезди ва КПССнинг XIX Бутииттифоқ конференцияси қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган ҳозирги революцион ўзгартиш-ларда давом этмоқда. Қайта қуриш давомида жамиятдаги маънавий-сиёсий муҳит яхшиланмоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг ижодий ғайрати кучаймоқда. Мамлакат экономикасини соғломлаштириш жараёни белгиланган режаларни амалда рўёбга чиқариш босқичига кириди.

Халқаро муаммоларни ҳал этишга нисбатан партия ишлаб чиққан янгича ёндашувларни жўшқинлик ва қатъият билан амалга ошириш кескинликни юмшатиш, Шарқ билан Ғарб ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, ҳарбий харажатларни камайтириш, маҳаллий можароларни бартараф этиш учун анча қулай шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда.

Аммо кейинги йилларда уруш хавфини бир мунча бартараф этишга муваффақ бўлинганига қарамай, унинг хавфхатари йўқолгани йўқ, бошланган ижобий жараёнлар муқаррарлигининг кафолатлари ҳали вужудга келган эмас. Шундай шароитда Совет Иттифоқи мудофаа доктринасига қатъий мувофиқ равишда давлатимиз бирлан унинг иттифоқчиларининг ишончли хавфсизлигини гарантиялаш учун барча зарур ишларни қилмоқда.

СССР Қуролли Кучлари қардош социалистик мамлакатларнинг армиялари билан ягона сафда туриб, Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини адо этмоқдалар, совет халқининг тинч меҳнатини ва социализм ғалабаларини пухта қўриқлаб-моқдалар. Умуман мамлакатимизда бўлгани каби Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флотида ҳам қайта қуриш жараёни чуқурлашмоқда, жанговар ва сиёсий тайёргарлик сифати ошмоқда, интизомни, уюшқоқлик ва устав асосидаги тартибни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

СССР Қуролли Кучларининг жангчилари ва ветеранлари, ўртоқлар!

Сизларни Улуғ Октябрнинг шонли байрами билан қутлайман!

СССР Қуролли Кучларининг жангчиларига замонавий қурол ва жанговар техникани ўзлаштириб олишда, жанговар маҳорат даражасини оширишда, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда, ҳарбий хизмат ва турмушнинг барча томонларини янгилашда бундан буён ҳам муваффақиятларга эришишларини тилайман.

СССР Қуролли Кучларининг ветеранларига сиҳат-саломатлик, севикли Ватан бахт-саодати йўлидаги фаолиятларида каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигини нишонлаш муносабати билан буюраман:

Бугун, 1988 йил 7 ноябрда, маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида тўпларидан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб, байрам салюти берилсин.

Совет халқининг содиқ фарзандлари — армия ва флот жангчилари бундан буён ҳам жанговар шайлик ва ҳарбий маҳоратни тинимсиз такомиллаштираверадилар, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаб, Улуғ Октябрь ғалабалари посбонлигида ҳушёрлик билан тураверадилар, деб ишонч билдираман.

СССР мудофаа министри армия генерали
Д. ЯЗОВ.

ЭҲМ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Қўқон станциясида юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш билан машғул бўлган кишилар меҳнатини шахсий ЭҲМ анча енгиллаштирди. Бундан ташқари, вагонларнинг бекор туриши кескин қисқарди. Компьютерлар қоғозларда мавжуд бўладиган одатдаги чалкашликлардан қутилишга ёрдам берди.

Компьютер технологиясига ўтиш арафасида бу ерда янги техникани ўзлаштириш юзасидан курслар ташкил этилди. Махсус комиссия бу курсларни битириб чиқувчилардан имтиҳон олди.

ЭҲМдан ташқари, темирйўлчилар поезд тузувчиларнинг ҳамма хизматлар билан алоқа қилиб туриши учун кўп каналли кўчма рациялар олдилар.

Қўқонликлар жорий этган ўзини ўзи пул билан таъминлаш усули инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишнинг биринчи вазифаси этиб қўйилди. Эндиликда фойданинг анчагина қисми социал-маиший шароитларни яхшилашга сарфланмоқда. Масалан, яқинда станцияда психологик ҳордиқ чиқариш хонаси, дам олиш бинолари очилди. Бу эса ишлаб чиқариш кўрсаткичларига дарҳол ижобий таъсир этди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Қўқон станцияси коллективи ўз йиллик планларини муддатидан ўн кун олдин бажармоқчи.

МУБОРАККА СУВ КЕЛАДИ

Янги қурилаётган 155 километрли Яккабоғ — Муборак магистрал қувур ариғи трассасида охирги туташ жой пайванд қилиб бўлинди. «Средазнефтегазстрой» мутахассислари бу ишни графикдан анча олдин бажардилар.

Улар кўпгина газ ва нефть магистралларини қуришда тўпланган тажрибадан фойдаландилар. Бунда қувурлар аввало махсус полигонларда узунасига улаб олинди, кейин трассага келтирилади. Бу эса 1020 миллиметр диаметрдаги қувур ариқни кунига бир ярим километр узайтириш имконини берди.

Яккабоғ тоғ ёнбағирларидан оқиб чиқаётган мусаффо сув янги йилда бинокорлар ва газчилар шаҳрига олиб келинади. Ҳозирча Муборак шаҳрини сув билан асосан қўшни Бухоро областида жойлашган Қуйимозор сув омбори таъминлаб турибди. Ичимлик сув танқислиги айниқса ёзда кўпроқ сезилади: Шаҳрисабз-даги ер ости манбалари мазкур сув омборига (Шаҳрисабз —Қарши — Муборак йўли орқали) анча-мунча сув етказиб беришига қарамай, шундай танқислик ҳозир ҳам сезилмоқда. Бу — республиканинг кўпгина ривожланиб бораётган саноат шаҳарларига хос сурункали «касалликдир». Янги қувур ариқ бу «касалликни» даволайди. Лекин у яхши ишлаб кетиши учун асосан Яккабоғдаги сув чиқариш иншоотларида яна 9 миллион сўмни ўзлаштиришга тўғри келади.

ДЎСТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА

Республика Дон маҳсулотлари министрлигининг тажриба-механика заводида нон ташийдиган контейнерлар тайёрлана бошлади. Бу яқин йилларда нон-булка маҳсулотларини ташиш ва реализация қилиш ишларини тамомила прогрессив усулга ўтказиш имконини беради. Бу усул маҳсулотларни қўлда ортиш ва туширишга барҳам бериб, нонинг печдан дўконгача олиб бориладиган вақтини қисқартиради. Йил охиригача заводда икки мингта ана шундай контейнер чиқариш планлаштирилмоқда. Уларни ишлаб чиқариш кўпая бораверади. Шу кунгача бу маҳсулотни Ўзбекистонга Болтиқ бўйи ва Сибирдан келтиришар эди.

УМИДБАХШ ШАБАДА

Қарши шаҳридан чиққач, катта йўл бўйлаб чўл томон кетарканмиз, ҳар икки тарафдаги бепоён пахтазорлар кенг фикр юритишга, мулоҳаза қилишга ундайди. Оппоқ дур унган эгатларга, тайёрлов пунктлари сари бораётган оқ олтин карвонларига назар ташлаб, бутун республикамиз бўйича пахта тайёрлаш алп одимлар билан давом этаётганлигини мушоҳада қиларкансан, хаёлдан шундай ўйлар ўтади: «Кейинги уч-тўрт йилда Ўзбекистон пахтачилиги тараққиёти, ривожига соя ташлаб турган иллатлар — қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, порахўрликка қарши ўт очилди. Экономикамизнинг асоси ҳисобланган бу тармоқ салбий ҳолатлардан асосан халос этилди. Шу соҳани тартибга солиш даврида кўпгина муаммолар тўпланиб қолганлиги, об-ҳаво ноқулай келганлиги ва бошқа сабабларга кўра пахта тайёрлаш планлари бажарилмади. Фақат республикамизда эмас, балки Иттифоқ миқёсида бу борада турлича фикр-мулоҳазалар юритилди. Пахтачилигимиздаги шу даврни негадир йилнинг куз ва қишдек рутубатли фаслларига қиёслагим келади. Чунки бу вақтда тармоқ узра қандайдир совуқ кайфият ҳукмронлик қилди, ҳеч нарсага иш юришиб кетавермади.

Агар кузатган бўлсангиз, эрта баҳорда илиқ шабадалар эса бошлагач, кузда дарахтлардан тўкилган хасхазонлар остидан нав-ниҳоллар бош кўтаради ва ҳарорат ошган сайин зулматни ёриб чиқади. Республикамиз пахтачилигида 1988 йили бўлаётган ажойиб ўзгаришларни, ҳамма ерда эришилаётган қувончли муваффақиятларни юқорида тасвирлаган ҳолатга таққослагим келади. Бу йил бутун серқуёш Ўзбекистон бўйлаб жонланиш, ишонч шабадалари эсиб, аҳвол ўнгланаётганлигидан далолат бера бошлади. Энг аввало деҳқон ҳақида ғамхўрлик кучайганлиги, давлат ва пахтакор манфаатлари муштараклигини таъминловчи бригада, звено, оила пудрати амалда жорий этилганлиги, ҳосил йиғим-теримида иш ҳақи тўлаш яхшиланганлиги, қолаверса, бу йил пахтачилик учун қулай келганлиги туфайли кетма-кет зафарлар қўлга киритилмоқда. Умуман ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари узра эсаётган шабада қалбларга ором бағишлаб, янада олга боришга чорлаяпти».

Шундай мушоҳадалар билан Қарши чўлининг тобора ичкарисига кириб бораркамиз, Ўзбекистон пахтачилигидаги жонланиш, жиддий ўзгаришлар Қашқадарё областига ҳам тамомила таллуқли эканлиги ҳақида ўйлардим. Воҳа заршуносларининг республикада тўртинчи бўлиб зафар маррасини эгаллаганлар. Қўриқни ўзлаштириш даврида ташкил этилган Ульянов районида ҳам кейинги уч-тўрт йилда йўл қўйилган қолоқлик доғини ювиш учун астойдил кураш олиб борилмоқда. Чўлқуварлар йиллик план адо этилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали оқ олтин топшириш плани 20 октябрдаёқ бажариб қўйилди. Давлатга район бўйича 32 минг тоннадан зиёд ипак пахта сотилди. Бу муваффақиятга йиғим-терим мусобақасида карвонбошилик қилиб келаётган «Қашқадарё» совхози заршунослари катта ҳисса қўшдилар. Мазкур хўжалик меҳнаткашларининг фаолияти билан яқиндан танишдик.

Совхоз пахтакорлари баҳорда 3.300 гектар ерга чигит қадаб, уни бехато ундириб олиб, нав-ниҳолларни ёз бўйи меҳр билан парвариш қилдилар. Хўжаликда юқори ҳосил етиштирилишида ишни ташкил этиш ва модий рағбатлантиришнинг энг мақбул усули ҳисобланган ички хўжалик ҳисоби — бригада, звено ва оила пудрати кенг жорий қилинганлиги катта аҳамият касб этди. 57 бригада, 114 звено ва оила совхоз билан тузилган шартнома асосида ишлади. Хўжаликнинг барча бўлинмаларида чек системаси тадбиқ этилганлиги туфайли бутун сарф-харажатлар худди кафтдагидек ҳар бир кишига яққол кўриниб турди. Бу иқтисод қилишга бўлган манфаатдорликни оширди. Шу тадбирлар унумли, сифатли ишлаб, хўжасизликка чек қўйиш, пировард натижа — юқори ҳосил учун пахтакорларнинг қизиқишини ғоят кучайтирди.

— Хўжалик усулининг самарасини яққол кўрсатиш учун сарф-харажатларни камайтиришга алоҳида эътибор бердик, — дейди совхоз директори Арслон Жабборов. — Йиғим-терим бошлангунга қадар 1988 йил учун кўзда тутилган 3 миллион 200 минг сўм иш ҳақининг 900 минг сўми сарфланди. Маълумки, ажратилган маблағнинг асосий катта қисми ҳосил терими даврида ишлатилади. Қўл теримига ўқувчилар ва ҳашарчиларни жалб этиш ҳамиша бу фондининг рангини ўчириб юборади. Август ойида мутаассислар, бўлим бошқарувчилари, бригадирлар билан маслаҳатлашиб, иш ҳақи фондини тежаш мақсадида ўқувчи ва ҳашарчиларни йиғим-теримга жалб қилмаслик ҳамда ҳосилнинг 80—85 процентини машиналар билан йиғиштириб олишга қарор бердик. Бунинг учун барча техника воситалари сифатли ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилинди, уларни механизатор кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Қўрилган тадбирлар яхши самара берди. 17 октябрдаёқ совхоз бўйича пахта тайёрлаш йиллик плани ошириб бажарилди. Ҳозиргача эл хирмонига қўшилган оқ олтин 7.800 тоннадан ошиб кетди. Шунинг 6.250 тоннадан зиёди техника ёрдамида саранжомлаб олинди. Четдан бирор киши ҳам жалб этилмади. Ялпи ҳосилимизнинг 3.600 тоннадан ортиғи ингичка толали. Илгарилари ипак пахтани машинада териб бўлмайди, деган фикр ҳукмрон эди. Бу йилги натижаларимиз у бутунлай нотўғри эканлигини тасдиқлади. Ҳосилнинг 85 процента зангори кемалар билан терилганлиги туфайли хирмонимизга барака кирди, юзимиз ёруғ бўлди.

Дарҳақиқат, шундай. Уч омил — чек системаси жорий этилганлиги, бригада, звено ва оила пудратига кенг йўл очиб берилганлиги, йиғим-теримда техникага таянилганлиги муваффақиятни таъминламоқда. Овул Орзиқулов, Ислом Йўлдошев, Номоз Суробов бошқарувчилик қилаётган бўлимлар айниқса катта ютуқларга эришаяптилар. Шоназар Ҳамдамов, Кўчар Қўчқоров, Дўстмурод Тошев, Овулқосим Ашуров, Бобоқул Турсунов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 30—35 центнерни ташкил этган бўлса, Тошпўлат Эшпўлатов, Шониёз Хўжаев, Акром Чўлиев звеноларида бу кўрсаткич 40—45 центнердан ошиб кетди. Хўжалик раҳбари таъкидлаганидек, дала гвардиячилари йиғим-теримнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлмоқдалар. Механик-ҳайдовчилар ўртасидаги меҳнат беллашувида Саттор Ҳамроев, Шавкат Тошқулов, Алланазар Тоғаев, Абдусамад Йўлдошев, Омон Қурбонов, Ражаб Умиров олдинги сафда боришаяпти. Улар ҳозиргача 170—230 тоннадан дурдона тердилар. Хўжаликдаги 50 дан ортиқ зангори кема, 40 га яқин кўрак териш ва чувиш агрегатлари юксак унум билан ишлатилмоқда. Бир сўз билан айтганда, механизаторлар нималарга қодир эканликларини намойиш этишаяпти. Бу ерда чевар теримчиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар машина киролмайдиган пайкаллардаги оқ олтинни, тўкилган пахтани териб беришаётир. Ўзаро социалистик мусобақада бошқаларга намуна бўлаётган Марям Рўзиева, София Қосимова, Наташа Поёнова, Барчин Хидирова, Меҳри Аллаева 6—8 тоннадан хирмон уйдилар.

«Қашқадарё» совхози ҳозирнинг ўзидаёқ пландан ташқари 700 тоннадан зиёд пахта топширди. Хўжалик заршунослари яна 200 тонна хом ашё тайёрлаш ва ялпи хирмонни 8.000 тоннага етказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Экономика мустаҳкамланаётганлиги, чек системаси, бригада, звено ва оила пудрати кенг жорий этилганлиги меҳнаткашларнинг даромадлари яхши бўлишидан дарак бераяпти. Шу хусусда совхоз бош бухгалтери Пиримқул Назиров билан суҳбатлашдик.

— Хўжалигимиз 1988 йилда 9 миллион сўм даромад қилиши, 1,3 миллион фойда кўриши планлаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда даромад 10,5 миллион сўмдан, фойда эса 2,5 миллиондан ошиб кетади. Табиийки, шунга мувофиқ равишда ҳар бир меҳнаткашнинг даромади ҳам сезиларли ўсади. План бўйича топширилган маҳсулот қийматининг 33 проценти, қўшимча равишда берилган хом ашёнинг эса 60 проценти пудратчиларга иш ҳақи сифатида тақсимланади. Моддий манфаатдорлик ҳар бир кишини унумли, сифатли ва тежамли ишлашга ундаяпти...

Қўриқдан қайтаётганимизда ҳам унинг бағрига кириб бораётганимиздаги ўй-фикрлар, мушоҳадалар хаёлда чарх урарди. Пахтачилигимиз узра бу йил эса бошлаган жонланиш, ишонч ва умид шабадаси бундан буён янада кучлироқ эсаверсин, деган эзгу ният кўнгилга ёруғ нур сочиб турарди.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

КЕЛИНГ, ДЎСТЛАР, СУҲБАТЛАШАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН—ШЕЪРИЙ ДОСТОН

МУШОИРА

НАҚДИНА ХИРМОН БИЛАН

Илк ғалаба кимники,
Сеники ё меники, —
Дея ўн бир азамат,
(Нияти дилда қат-қат)
Пойгада борар бардам,
Ташлаб мардона қадам.
Саф бошида Тошкентим,
Дулдул қанотли отим.
Унга ҳамроз ёшулли
Хоразмга ҳам балли!
Ҳар иккисин ибрати,
Олқиш билан йўғрилгай.
Олий намуна бўлгай.
Қаранг Қашқадарёга,
Ўхшар худди дарёга.
Оқими тез, шиддаткор.
Ҳар дамида унум бор.
Бухорога солинг разм,
Иқболга этган жазм.
Миришкор қорақалпоқ,
Кўнгли пахтасидек оқ.
Қалбдан кўзлаб маррани.
Еддан билар каррани.
Бир томонда Сирдарё,
Бир ёнда Сурхондарё,
Фарғонаю Наманган,
Самарқанду Андижон.
Барчаси яктан, якдил
Эл-юрт, Ватан олдида,
Бурч, жону тан олдида,
Бўлмайин дея хижил,
Суръат қўшиб суръатга,
Даво топиб ҳар дардга,
Интилар олға томон.
Ошиб довондан довон,
Тезкор, фаоллик билан,
Тўғри, ҳалоллик билан,
Етмоқ учун муродга,
Босар қамчини отга.
Ҳа, ваккимас ғайрати,
Азаматлар шиддати.
Об-ҳаводан чўчимас.
Ваъда ёди билан маст.
Мақсад — чироқ йўлида.
Ғолиблик ўз қўлида.
Манзил сари югурар,
Эртадан кеч бонг урар.
Кунлар келар кун қувиб,
«Турғунлик доғин» ювиб,
Қарор топар тадбири.
Ўн бир ўғлон ҳар бири
Аҳдига вафо айлаб,
Зафар камарин бойлаб,
Анъанавий байрамни,
Айни улуғ айёмни,
Қарши олар шон билан,
Нақдина хирмон билан.
Бу— элу юрт ишончи
Ва заминдор қувончи.

Шоҳид ТОҲИРОВ,
уруш ва меҳнат ветерани, шахсий пенсионер.

ВАТАН ИЛҲОМИДУР

Бу байрам озодликнинг энг бир улуғ айёмидур,
Дилда завқ, кўкрак баланд— гўё фалакнинг томидур.
Сўзлари ўткир ҳамиша жойи тўр— минбар бу бир,
Содиқларга халқи берган иззату икромидур.
Бу сабоқ, ошкораликлар нега даркор десангиз,
Биз адашган у турғунлик йилларин дашномидур.
Сафма-саф ўсган бу ёшлар тўғри таълим олсалар,
Кексалик умрин таянчи, жонимиз оромидур.
Элу юртин ўйламасдан ўзни ўйлар баъзилар,
Улар инсон хомидурлар ё тушунмас омидур.
Бу ҳаёт меҳнат, курашлардан иборат деса— рост,
Не бахтки қайта қуришлар инқилоб давомидур.
Тўғри сўзлаш Деҳқонийга туғма бир одат эса,
Ҳар маҳал ғайратда бўлмоқ халқ, Ватан илҳомидур.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

ДИЛИМ

Бу оламнинг сеҳрига бўлма сен ҳайрон, дилим,
Куйла Ватан, халқни сен, неки бор имкон, дилим,
Она диёр сийнаси кундан-кунга яшнагай,
Ҳамиша бўл дўстга ёр, душманга қалқон, дилим.
От қўйиб саҳрога чиқ, бул замон Фарҳодидек,
Тер тўкиб чўл қўйнини айлагил бўстон, дилим.
Қўлга қўл бериб ҳар дам, меҳнат ила ижодда,
Дўст билан ҳар замон бир тану бир жон, дилим.
Бўлсанг ҳар гал яхшироқ фитна-иғводин йироқ,
Одам эрмас ул киши бўлмаса виждон, дилим.
Мадҳ этиб толма, Мурод, озод Ватан халқини
Этсанг арзир сен уни бир катта достон, дилим.

Элмурод ШОМУРОДОВ.

ЁР ВАСФИ

Нетай, ҳажринг мени жонон, адо этди, адо этди,
Кўзимга кенг жаҳонни тим қаро этди, қаро этди.
Қаро тунлар бўлиб бедор фигоним сезса-да гарчи,
Бу ҳам оздек яна баттар жафо этди, жафо этди.
Ситамларни қўйиб дилкаш келур деб кўзларим тиксам,
Рақибни шоҳ этиб, бизни гадо этди, гадо этди.
Тилим сўйлашга ёр васфин келишмай ноумидликдан,
Десам, басдур кўнгил «йўқ-йўқ» садо этди, садо этди.
Кўйинг хаста, ки жонимни солиб юз минг балоларга,
Нечук бу бағритошликни раво этди, раво этди.
Адашган барча ошиқлар каби қолгум аросатда,
Хаёлан шул аро йўлда хато этди, хато этди.

Руқия ҒОЗИЕВА,
КПСС XXV съезди номли Наманган аврли шойи газламалар комбинати кутубхонаси ходимаси.

Умргузаронлик карвони қуёшни муттасил соғинади, қуёшга муғдай сиғинади, болупар тонгда муқаддас зарраларини ҳовучлаб ўпади. Наинки, жонзот, наинки бутун жонлиқ, қамишлар ҳам исинади, тиканлар ҳам исинади, даволлар ҳам исинади, юлдузлар ҳам исинади. Теккина кўршабпараклар зулуматнинг есир болаларидир. Ёруғликни кўролмасаларда, уларга ҳам тафт керак. Зуваласи нурдан қоридгани учун одамни истараси иссиқ, кўзга иссиқ кўринади, дейдилар.

Эй қуёш, тун фарқин оч,
Олам узра ёй қулоч,
Бошда қолмаса ҳам соч,
Керакмас қулоқ ва ҳоч.
Эй қуёш, майдала зар,
Олчоқ кўздан алҳазар,
Бир ўзингда минг назар,
Навоий ғазал ёзар,
Эй қуёш, манглайни ўп,
Қора тиришлари кўп,
Меҳрингга зор хасу чўп,
Жон бозори талатўп.
Эй қуёш, чиқ, чарақла,
Сув мавжида ярақла,
Майда атлас тарақла,
Тиринглик кўркин сақла.

Невчун оламгир қуёшни бу қадар олқяпман, унинг шарафига бу қадар ҳамду сано ўқияпман? Важиким, муаззам инқилобни қуёшга монанд қилмоқчиман, шамса Улуғ Октябрь социалистик революциясини нисбат бермоқчиман. Зеро дониш мулкида мундан зеборок сифат, мундан аъзорок тасвир йўқ. Унинг эрксеварлиги ва адолатпарварлиги, унинг одамийлиги ва йўқсилжонлиги, унинг тенглиги ва кенгли мангу оҳангрободир, унинг қиммаси ва қиммати, унинг қадрияти ва аҳамияти юксакдир.

Инқилоб, инқилоб, инқилоб,
Ул қирмиз чеҳрангдан ол ниқоб.
Сен бизга ҳақ учун керексан,
Ва байнал халқ учун керексан.
Ҳар сабоҳ ҳаётга саломда,
Шижоат, муборак каломда
Сен ила фидокор таъкидлар:
Берилган қурбонлар, шаҳидлар
Чиқмасин хотир ва шуурдан,
Биз пайдо бўлганмиз ғурурдан.
Жонимиз қаттиқдир тошдан ҳам,
Шўр чиқар йиғласан ёшдан ҳам.
Топтаманг бирлашув муродин,
Учирманг инсоннинг ҳур отин.
Букиклар белини росласин,
Дунёни яшашга мосласин.
Инқилоб, инқилоб, инқилоб,
Курашда минг йиллик ихтилоф
Ечимин топган шаън Октябрь,
Кўп туринг, минг яшанг, Октябрь.
Қўлларни кишандан бўшатиб,
Чўлларни бахмалга тўшатиб,
Кўрларга қорачиқ бермишсан,
Ҳўрларга олачиқ бермишсан.
Ўртада иссиқ нон ушатиб,
Кўнгилни баҳордай юмшатиб,
Бир бўйра ер берган сен ўзинг,
Бир қултум сув берган сен ўзинг,
Бир ошам ош берган сен ўзинг,
Бир тузлуқ туз берган сен ўзинг,
Мўъжиза юз берган сен ўзинг,
Менга ҳам сўз берган сен ўзинг.
Инқилоб, инқилоб, инқилоб,
Лениннинг илмида иккиллоб
Даҳолар қуймаси, шоҳ ижод,
Энг ёруғ кунларга эътиқод,
Сўнма ҳеч! Қуёшга савол йўқ.
Гар қайта қуришга савол йўқ,
Қилмаса янгилик шукрини,
Тўғрилаб бўлурми букрини.
Ҳалиям гапдонлар талайдир,
Ўтига тириклай қалайдир.
На ўйлар ўтмишни, бугунни,
На ўйлар эрталик тугунни.
Иш деса бошлари лиқиллар,
Ош деса думлари ликиллар,
Оҳ, тонай ёзлаймиз, қишлаймиз,
Қачон бир ёлчитиб ишлаймиз.
Инқилоб, инқилоб, инқилоб,
Ленинчи чекади изтироб...

Бугун умумхалқ шодиёнаси, пролетар аҳлининг курашчан байрами, озодликнинг анъанавий кўрки. Кўчалар, чорраҳалар, майдонлар, хиёбонлар, гузарлар, сайргоҳлар алвонлавон. Олтин куз эпкини ол байроқлар барини ўпмоқда. Одатдаги жанговар чақириқлар, жарангдор шиорлар бу сафар халқчил, анча одми, камсўқум. Уларда илгариги қуруқ дабдаба, сунъий тантана, ёғлиқ ваъда йўқ. Собиқ юзлаб чақириқлардан атиги 25 банди қолибди. Улар ҳам тубдан янги. Мазмунан қайта қуриш руҳига, бунёдкорлик мақсадларига хос ва мос.

— Яшасин Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги!

Самимий. Ёқимтой. Лўндагина. Агар уралар ва яшасинлар, гулдурос олқишлар ва давомли қарсаклар муҳитида бунақа ҳокисорлик қилинса, битта тугул, ўнта бошнинг садқайсар кетиши, революциянинг оламшумул тарихий моҳиятини очиб бермаган деган сиёсий айб тақалиши, эҳтимол, янгитдан қўлбола жиноий жараён уюштирилиши ҳеч гап эмасди.

Партия совет халқига «Ўртоқлар!» деб ҳалқона мурожаат қилаётир, бизни жамиятни революцион ўзгартиришда собитқадамликка чорлаётир.

— Ўртоқлар! КПСС XXVII съезди ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини амалга оширайлик! Революцион қайта қуришга муқаррар тус берайлик!

Бу — ҳаётий ва ўткир масала. Мураккаб ва долзарб масала. Социализм ва коммунизм масаласи, М. С. Горбачев очиқ-ошкор таъкидлаганидек, «Дарҳақиқат, қайта қуриш — чуқур революцион жараён. Чунки революция жамиятни ташкил этиш усулларини ўзгартириш демакдир, онгдаги революция демакдир». Яна: «Давримиз революцион даврдир. Чунки ўзгаришлар бошланди. Эскилик билан янгилик курашмоқда. Эскилик тарафдорлари ҳам, янгилик тарафдорлари ҳам бор. Қайта қуришнинг ошкора муҳолифлари унча кўп эмас. Қолган барча кишилар учун бу бутун турмуш ҳақида, ўз турмуши ва мамлакат турмуши ҳақида қайта фикрлаш, янгича ёндашувларни, янгича ечимларни излаш ёки давр синовидан ўтган ва бугунги кунда ҳам бизга зарур бўлган қадриятларни тиклашдек мураккаб даврдир».

Ҳа, пўпанак босиб кетмасин учун жамиятни ҳам вақти-вақти билан шамоллатиб туриш, исли уйлар ҳавосини бот-бот янгилаб олиш даркор. Йўқса турғунлик бамисли тинтоб сувдай, сассиқ кўлмакдай ҳамма жонли нарсани ҳалок қилади. Лекин ширин сувми, аччиқ сувми, тоза сувми — итбалиққа барибир. Ватанпарварлик шовқинли цехдан, қурумли шахтадан, изғорли даштдан эмас, заррин ўриндиқдан, юксак минбардан, номенклатур мансабдан бошланади деб ўйловчилар қайта қуришсиз ҳам кекириб яшаяптилар-ку, ахир! Уларга демократия, адолат, ошкоралик десанг, бир Тошкент аэропортига, бир жумҳурият пойтахтининг Шимолий вокзалига олазарак қараб қўядилар. Қайта қуришнинг ана шу ҳаётбахш фазилатлари гўё Москвадан чақириқлардан атиги 25 банди қолибди. Улар ҳам тубдан янги. Мазмунан қайта қуриш руҳига, бунёдкорлик мақсадларига хос ва мос.

Султон АКБАРИЙ

БОҚИЙ ТАРОНА

ХИТОБНОМА

— Яшасин Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги!

Самимий. Ёқимтой. Лўндагина. Агар уралар ва яшасинлар, гулдурос олқишлар ва давомли қарсаклар муҳитида бунақа ҳокисорлик қилинса, битта тугул, ўнта бошнинг садқайсар кетиши, революциянинг оламшумул тарихий моҳиятини очиб бермаган деган сиёсий айб тақалиши, эҳтимол, янгитдан қўлбола жиноий жараён уюштирилиши ҳеч гап эмасди.

Партия совет халқига «Ўртоқлар!» деб ҳалқона мурожаат қилаётир, бизни жамиятни революцион ўзгартиришда собитқадамликка чорлаётир.

— Ўртоқлар! КПСС XXVII съезди ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини амалга оширайлик! Революцион қайта қуришга муқаррар тус берайлик!

Бу — ҳаётий ва ўткир масала. Мураккаб ва долзарб масала. Социализм ва коммунизм масаласи, М. С. Горбачев очиқ-ошкор таъкидлаганидек, «Дарҳақиқат, қайта қуриш — чуқур революцион жараён. Чунки революция жамиятни ташкил этиш усулларини ўзгартириш демакдир, онгдаги революция демакдир». Яна: «Давримиз революцион даврдир. Чунки ўзгаришлар бошланди. Эскилик билан янгилик курашмоқда. Эскилик тарафдорлари ҳам, янгилик тарафдорлари ҳам бор. Қайта қуришнинг ошкора муҳолифлари унча кўп эмас. Қолган барча кишилар учун бу бутун турмуш ҳақида, ўз турмуши ва мамлакат турмуши ҳақида қайта фикрлаш, янгича ёндашувларни, янгича ечимларни излаш ёки давр синовидан ўтган ва бугунги кунда ҳам бизга зарур бўлган қадриятларни тиклашдек мураккаб даврдир».

Ҳа, пўпанак босиб кетмасин учун жамиятни ҳам вақти-вақти билан шамоллатиб туриш, исли уйлар ҳавосини бот-бот янгилаб олиш даркор. Йўқса турғунлик бамисли тинтоб сувдай, сассиқ кўлмакдай ҳамма жонли нарсани ҳалок қилади. Лекин ширин сувми, аччиқ сувми, тоза сувми — итбалиққа барибир. Ватанпарварлик шовқинли цехдан, қурумли шахтадан, изғорли даштдан эмас, заррин ўриндиқдан, юксак минбардан, номенклатур мансабдан бошланади деб ўйловчилар қайта қуришсиз ҳам кекириб яшаяптилар-ку, ахир! Уларга демократия, адолат, ошкоралик десанг, бир Тошкент аэропортига, бир жумҳурият пойтахтининг Шимолий вокзалига олазарак қараб қўядилар. Қайта қуришнинг ана шу ҳаётбахш фазилатлари гўё Москвадан чақириқлардан атиги 25 банди қолибди. Улар ҳам тубдан янги. Мазмунан қайта қуриш руҳига, бунёдкорлик мақсадларига хос ва мос.